

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Ped.82.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

АБДУЛЛАЕВА ГАВХАР САПАРОВНА

**ЭШИТИШ ИДРОКИ ВА ТАЛАФФУЗИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ
ВА РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА 1-2-СИНФЛАРНИНГ КАР
ЎҚУВЧИЛАРИ БИЛАН ОЛИБ БОРИЛАДИГАН
КОРРЕКЦИОН-РИВОЖЛАНТИРУВЧИ
ИШЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

13.00.03 – Махсус педагогика

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Чирчиқ – 2020

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doktor of philosophy (PhD)
on pedagogical sciences**

Абдуллаева Гавхар Сапаровна

Эшитиш идроки ва талаффузини шакллантириш ва ривожлантириш
буйича 1-2-синфларнинг қар ўқувчилари билан олиб
бориладиган коррекцион-ривожланувчи ишлаш технологияси 4

Абдуллаева Гавхар Сапаровна

Технология коррекционно-развивающей работы с глухими учащимися
1-2 классов по формированию и развитию слухового восприятия и
произношения..... 21

Abdullayeva Gavhar Saparovna

Formation technology of correction-developmental work on the formation
and development of the audition performance, activities with deaf learners
1-2 classes..... 45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of publications..... 49

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019. 82.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

АБДУЛЛАЕВА ГАВХАР САПАРОВНА

**ЭШИТИШ ИДРОКИ ВА ТАЛАФФУЗИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ
ВА РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА 1-2-СИНФЛАРНИНГ КАР
ЎҚУВЧИЛАРИ БИЛАН ОЛИБ БОРИЛАДИГАН
КОРРЕКЦИОН-РИВОЖЛАНТИРУВЧИ
ИШЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

13.00.03 – Махсус педагогика

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Чирчиқ – 2020

Филология доктори (PhD) диссертацияси манускрипти Узбекистон Республикаси Вазирлар Маъмурияти ҳуқуқдаги Олий аттестация комиссиясида В2019.4.PhD/Ped1216 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтинда баҳолашган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (русча)) Илмий кенгашининг веб-сайтида сархиз/ishu-kengash ва «Ziyouet» ахборот ташқиқ порталида (www.ziyouet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Муъомнова Лайла Раҳимовна
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий апионентлар:

Ҳасанова Муҳаббат Файзиловна
педагогика фанлари доктори, профессор

Назирова Дастура Асатонна
педагогика фанлари номзода, доцент

Еткази танқидлот:

Илмий номдаги Тошкент
давлат педагогика университети

Диссертация ҳақиқатин Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтини ҳуқуқдаги PhD.03/30.12.2019.Ped.82.01 рақамини Илмий кенгашининг 2020 йил «12» 08 соат 11:00 даги мажлисида бўлиб ўтди. (Маъна: 111720, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Амир Темур кўчаси, 104-уй. Тел.: (99870) 712-27-55; факс: (99870) 712-45-41; e-mail: sarxiz_kengashi@ishu.uz

Диссертация билан Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтининг Ахборот-ресурс марказида танишши мумкин. («13» рақам билан рўйхатга олинган). Маъна: 111720, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Амир Темур кўчаси, 104-уй. Тел.: (99870) 712-27-55, факс: (99870) 712-45-41.

Диссертация автореферати 2020 йил «12» 07 кунин тарқатилган.
(2020 йил «13» 07 даги «12» рақамини реестр бўғинида).



Ш.К. Мардонов
Илмий ахборот-ресурс маркази Илмий
китобхона раҳбари, б.ф.д., проф.

Ф.Т. Раҳимов
Илмий ахборот-ресурс маркази Илмий
китобхона раҳбари, география фанлари
бўлими филология доктори (PhD)

Р.А. Эриқонов
Илмий ахборот-ресурс маркази Илмий
китобхона раҳбари, Илмий ахборот
маркази, б.ф.д., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, дунё аҳолисининг 10% ини эшитишда нуқсони бор инсонлар, уларнинг 45% ини 15 ёшгача бўлган кар болалар ташкил этади. Эшитишда нуқсони бор инсонларнинг жамоада тенг ҳуқуқли ҳаёт кечиришлари юзасидан ижтимоий мослашувини шакллантириш, мулоқотга киришиш кўникмаларини ўстириб бориш устида ишлар олиб борилмоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси томонидан “Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенциянинг қабул қилиниши ушбу муаммонинг дунё миқёсида долзарб аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради. Конвенцияда алоҳида ёрдамга муҳтож шахсларнинг тенг ҳуқуқлилиқ асосида таълим олишлари эътироф этилган. Эшитишда нуқсони бор болаларнинг ҳаётга ижтимоий мослашишлари учун инновацион педагогик технологияларни яратиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Дунё миқёсида кар ўқувчиларнинг таълим жараёнида эшитиш идроқини ривожлантириш ва талаффуз кўникмаларини шакллантириш бўйича илмий изланишлар йўлга қўйилган. Германияда “соф оғзаки” усулнинг амалиётда фойдаланилиши, Хорватияда вербатонал усулнинг яратилиши, сўзларни яхлит қабул қилиш орқали карларнинг нутқий тафаккурини ривожлантириш тажрибалари амалиётда кенг қулланилмоқда. Кар ўқувчилар нутқини фаоллаштириш ва талаффузга ўргатишда компьютер технологияларини қўллаш, уларнинг ижтимоий ҳаётга мослашувига эришиш долзарблиқ касб этади.

Республикамизда кар болаларнинг ижтимоий ҳаётда фаоллигини таъминлаш бўйича “аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, ногирон ва аҳолининг бошқа эҳтиёжманд тоифалари давлат томонидан қўллаб-қувватлаш”га¹ давлат сиёсати даражасида алоҳида эътибор берилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур Фармонида туғма кар болаларнинг тўлақонли ҳаётга ижтимоий мослашуви, уларга коррекцион-педагогик ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш устувор вазифа этиб белгиланган.

Мамлакатимизда кар болалар таълими мазмунини такомиллаштириш масалаларига катта эътибор қаратилган. 2016 йил 26 декабрдаги “Кексалар, ногирон ва аҳолининг бошқа эҳтиёжманд тоифалари учун ижтимоий хизматлар тўғрисида”ги ПҚ-415-сон қарорнинг 17-моддасида интернатларда таълим олаётган, руҳий ва жисмоний имкониятлари чекланган болаларга махсус психологик-педагогик ёрдам кўрсатиш, ҳаётий кўникмаларни ривожлантиришга эътибор қаратилган, 2017 йил 1 декабрдаги «Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ-5270-сон фармонлари ва бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони // Ҳаракатлар стратегияси асосида жадал тараққиёт ва янгиланиш сари. – Т.: Фафур Ғулом, 2017.- 92 б

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожлантиришнинг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Руҳий ва жисмоний имкониятлари чекланган болалар таълимнинг илмий-методик асослари, коррекцион-педагогик фаолият методлари олимлар² Л.Р.Муминова, Н.Ш.Бекмурадов, Х.М.Гайнутдинов, Ф.Алимхўжаева, У.Ю.Файзиева, Н.Дадахўжаева, Ф.Қодирова, Д.А.Назарова, З.Мамаражабова ва бошқаларнинг илмий тадқиқотлари ва ўқув-методик ишларида ёритиб берилган.

Россия сурдопедагогикасида эшитишида нуқсонли бўлган болаларнинг коммуникатив-фаолиятли таълим тизими А.Г.Зикеев, Т.С.Зикова, К.Г.Коровин, Л.П.Носков ва бошқаларнинг ишларида таҳлил қилинган. Заиф эшитадиган ва қар болаларнинг эшитиш гидрокини ривожлантириш ва талаффузга ўргатиш муаммолари олимлар³ Т.А.Власова, Е.П.Кузьмичева, Э.И.Леонгард, Т.В.Пелимская, Н.Д.Шматко, Л.А.Головчиц, Т.В.Розанова, Ж.П.Жиф ишларида ўз ривожини топган.

Эшитишида муаммолари бўлган болаларнинг таълим ва тарбияси жараёнига компьютер технологияларини олиб кириш масалаларини олимлар⁴ Е.Л.Гончарова, Т.К.Королевская, О.И.Кукушкиналар ўрганганлар. Сурдопедагогикада самарали изланишлар олиб борган хорижий олимлар ва амалиётчилардан Армин Лёве, Я. Петер, Бурлесон, Ж.Боулби, Делия, Жуди Холл, Зетлин, Кларк, Клеворс, Сабсай, Лакон, Рене Спитц, Марк Непп ва бошқаларнинг тадқиқотлари алоҳида эътиборга лойиқ.

Мавзунинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти илмий тадқиқот ишлари режасининг ЁА-1-001 “Мактабгача ва мактаб ёшидаги мураккаб нуқсонли болаларнинг дифференциал таълим-тарбия технологияси” (2015-2017 йй) мавзусидаги амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади қар болаларга ихтисослаштирилган мактаб-интернатларда рус тилида таълим оладиган 1-2 синф қар ўқувчиларининг эшитиш гидрокини ривожлантириш ва талафузини шакллантириш технологияларини такомиллаштиришдан иборат.

²Муминова Л.Р. Д.А.Назарова махсус таълим атамаларининг изоҳли луғати. Тошкент. 2010 й.Файзиева У.Ю. Эшитишида муаммолари бўлган болаларга она тили ўқитиш методикаси. - Тошкент. «Тараққиёт» нашриёти. 2011. С. 16-19.

³Власова Т.А., Певзнер М.С. О детях с отклонениями в развитии. М.: Просвещение, 1993. - 129 с.Кузьмичева Е.П., Яхнина Е.З. Дифференцированный подход к развитию восприятия и воспроизведения устной речи у учащихся специальных коррекционных образовательных учреждений для глухих детей // Развитие устной речи у глухих школьников.- М., 2001.С.71-79.

⁴Гончарова Е.Л., Кукушкина О.И. “Внутренний мир человека как предмет изучения в специальной школе: опыт проектирования нового содержания обучения” // Дефектология — 2008. — № 3.Королевская Т.К. “Компьютерная поддержка работы по формированию произношения у детей с нарушениями слуха” // Дефектология, 1995. № 1. -С. 58-65.

Кукушкина О.И.” Организация использования компьютерной техники в специальной школе” // Дефектология, 1994. № 6. - С. 59-62.

Тадқиқотнинг вазифалари:

кар ўқувчиларнинг товуш талаффузи ва эшитиш идрокининг динамикасини тадқиқ қилиш;

кар ўқувчиларнинг товуш талаффузи ва эшитиш идроки хусусиятларини текшириш;

кар ўқувчилар нутқини ривожлантиришга йўналтирилган “Эшитиш идрокини ўстириш ва талаффузни шакллантиришнинг коррекцион педагогик иш тизими” моделини инновацион ёндашувлар (полисенсор, лабдан ўқитиш) асосида такомиллаштириш;

кар ўқувчиларида товуш талаффузи ва эшитиш идрокини ривожлантириш бўйича методик тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Тошкент шаҳридаги 101-сон, Олмалик шаҳридаги 80-сон, Самарқанд шаҳридаги 61-сон кар болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернатларида кар ўқувчилар товуш талаффузи ва эшитиш идрокини ривожлантириш жараёни танланиб, тажриба-синов ишларига жами 105 нафар кар ўқувчилар жалб этилган.

Тадқиқотнинг предмети 1-2-синф кар ўқувчилари товуш талаффузи ва эшитиш идрокини ривожлантириш бўйича коррекцион-ривожлантирувчи фаолиятнинг усул, шакл ва воситалардан иборат.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотда мавзуга оид педагогик, психологик ва методик адабиётлар, ўқув дастурлар, дарсликлар, ўқув қўлланмаларни қиёсий-танқидий ўрганиш, таҳлил этиш ва умумлаштириш, педагогик тажрибаларни баҳолаш ва умумлаштириш; тиббий-психологик-педагогик ҳужжатлар таҳлили; педагогик тажриба-синов (назорат ва таълимий) ҳамда натижаларни олишда математик-статистика методларидан фойланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

кар ўқувчилар эшитиш идроки ва талаффуз кўникмаларини интенсив ривожлантиришда полисенсор ёндашувнинг самарали омил эканлиги аниқланган;

ўқувчиларнинг психодиагностик хусусиятлари ва нутқий ривожланганлик даражаларини ҳисобга олган ҳолда товуш талаффузини мустақамлашга мўлжалланган “Мен ўқийман, гапираман” махсус компьютер дастурининг оғзаки нутқ акустикасини визуализациялаш имкониятлари кар ўқувчилар нутқининг просодик томонлари (нутқий нафас, овоз модуляциялари, нутқнинг темпо-ритмик хусусияти)ни ривожлантиришга устуворлик бериш орқали такомиллаштирилган;

индивидуал коррекцион-ривожлантирувчи иш модели ва унинг асосида кар ўқувчилар товуш талаффузи ва эшитиш идрокини модулли тизим ва полисенсор ёндашув – кинестетик, тактил-вибрацион, эшитиб-кўриш асосида ривожлантириш методикаси оптималлаштирилган;

бошланғич синф кар ўқувчиларнинг мулоқот компетенциясини фаоллаштиришга йўналтирилган ўқув–услугий таъминот коммуникатив (самарали мулоқот) технологиялар (“Нутқий калейдоскоп”, “Қувноқ алифбо”, “Товушлар оламига саёҳат”) ҳамда “Нутқ ўстириш” фанидан дастур талабларининг ўзаро оптималлашуви асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

1-2-синф ўқийдиган қар болалар эшитиш гидроки ва товуш талаффузининг ривожланиш даражаларини (юқори, ўрта, паст, жуда паст) ҳисобга олган ҳолда “Мен ўқийман, гапираман” дастури ишлаб чиқилган;

қар ўқувчиларнинг оғзаки нутқи ва эшитиш гидрокини ривожлантиришда педагогик таъсир стратегиясини белгилаш ва индивидуал коррекцион-ривожлантирувчи дастурларни ишлаб чиқишда индивидуал ёндашувнинг аҳамияти асослаб берилган;

қар ўқувчиларнинг оғзаки нутқи ва эшитиш гидрокини ривожлантириш кўникмаларини шакллантириш технологияси такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги унда қўлланган ёндашув, усуллар, назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлиллар ва тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик-статистика усуллари воситасида асослаганлиги, хулоса, таклиф ҳамда тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларининг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти таклиф этилган технологиялар асосида 1-2-синфларнинг қар ўқувчиларида нутқий ривожланиш ва эшитиш гидрокининг даражалари (юқори, ўрта, паст, жуда паст) аниқланган, улар бошланғич синфларда дифференциал ёндашув асосида иш олиб бориш имконини беради, қар ўқувчиларда товуш талаффузи ва эшитиш гидрокини ривожлантириш бўйича индивидуал, босқичма-босқич коррекцион-ривожлантирувчи иш модели ишлаб чиқилган, тадқиқотнинг илмий натижалари сурдопедагогика, логопедия йўналишлари бўйича мутахассис бакалавр-дефектологларни тайёрлашда қўлланиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тавсия этилган блок-модуль тизимли вазифалар асосида коррекцион-ривожлантирувчи машғулотларда қисқартирилган концентрли усули, талаффузни шакллантириш ва эшитиш гидрокини ривожлантириш бўйича дарслар мазмуни (индивидуал ва фронтал машғулотларни вариатив режалаштириш) такомиллаштирилгани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Эшитиш гидроки ва талаффузини шакллантириш ва ривожлантириш бўйича 1-2-синфларнинг қар ўқувчилари билан олиб бориладиган коррекцион-ривожлантирувчи ишлаш технологияси бўйича олинган илмий натижалар асосида;

қар ўқувчилар эшитиш гидроки ва талаффуз кўникмаларини интенсиф ривожлантиришда инновацион ёндашувлар (полисенсор, лабдан ўқитиш) “Қар болалар мактабида яқка тартибдаги машғулотларда эшитиш қобилятини ривожлантириш ва талаффузга ўргатиш” номли ўқув қўлланма мазмунига сингдирилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 30 ноябрдаги 89-03-4634-сон маълумотномаси). Натижада, қар болалар таълим олиш муассасаларида коррекцион машғулотларнинг тизимли олиб борилишига эришилган;

махсус муассасаларда фаолият кўрсатувчи бошланғич синфлар ўқитувчилари ва индивидуал иш бўйича мутахассислар, 1-2-синфлар қар ўқувчиларнинг эшитиш гидроки ва товуш талаффузини ривожлантириш учун “Мен ўқийман, гапираман” инновацион компьютер технологияси “0-5 синфлар учун қар болалар мактабида яқка тартибдаги машғулотларда эшитиш қобилиятини ривожлантириш ва талаффузга ўргатиш дастури” номли ўқув қўлланма мазмунига сингдирилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 30 ноябрдаги 89-03-4634-сон маълумотномаси). Натижада, яқка машғулотлар самарадорлиги ва ўқувчилар нутқий ривожланиши тартибининг тизимли олиб борилишига эришилган;

эшитиш гидрокини ривожлантиришга мўлжалланган индивидуал машғулотларнинг “блок-модуль” тизими (ташхисий, шакллантирувчи, ривожлантирувчи) асосида такомиллаштирилган ва амалиётга жорий қилинган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 30 ноябрдаги 89-03-4634-сон маълумотномаси). Натижада, коррекцион-педагогик таълим технологияларининг самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

қар ўқувчиларнинг нутқий материални эшитиб қабул қилиш кўникмаларини ривожлантиришга йўналтирилган ўқув топшириқлари махсус мактаблар амалиётига жорий қилинган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 30 ноябрдаги 89-03-4634-сон маълумотномаси). Натижада, яқка машғулотлар самарадорлигини ва ўқувчилар нутқий ривожланишини мониторинг қилиш тартиби йўлга қўйилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та илмий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, шундан 6 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, жами 160 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, диссертация мавзуси бўйича яратилган хорижий илмий-тадқиқот ишларининг шарҳи келтирилган ва мавзунинг ўрганилганлик даражаси очиб берилган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети белгиланган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, шунингдек тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилинганлиги, мавзу бўйича нашр этилган ишлар, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “1-2 синф кар ўқувчилар таълим-тарбиясининг илмий-методик асослари” деб номланган биринчи бобида «эшитишнинг бузилиши», «карлик», «қулоғи оғирлик» «эшитиш идроки», «талаффуз бузилиши», «бузилишнинг мураккаб структураси». “нутқий эшитиш”, «потенциал имкониятлар» каби тушунчаларни аниқлаштирадиган назарий ва илмий-методик ёндашувлар очиб берилган. “Эшитиш идроки” деб эшитиш анализатори ёрдамида товушларни идрок этиш ва уларга қараб атроф-муҳитда ҳаракатланиш имкониятини таъминлайдиган идрок шаклига айтилади. Бунда нутқ ва эшитиш бир-бири билан яқин алоқада ва ўзаро боғлиқликда ривожланади. Эшитишнинг, қандай даражада бўлмасин, бузилиши нутқ ривожига тўсқинлик қилади, эшитишнинг самарадорлиги нутқнинг ривожланганлик даражасига боғлиқ, яъни эшитишнинг сақланганлик даражаси қанчалик юқори бўлса, нутқнинг ривожланганлик даражаси шунча яхши бўлади. Нормал эшитадиган болада нутқ, шу билан бирга, товуш талаффузи шаклланишининг физиологик механизми шартли рефлектор алоқаларининг шаклланганлигини билдиради. Ушбу шартли рефлектор алоқалар бола организмнинг эшитиш ва кўриш анализаторлари ёрдамида кўзғатувчиларни (шу жумладан, атрофдагиларнинг нутқини ҳам) идрок этиш ҳамда уларга нутқ-ҳаракат анализатори ва тақлидга лаёқатлилик ёрдамида жавоб қайтариш қобилияти туфайли юзага келади.

Амалиётчи-мутахассислар ўша даврдаёқ карларда нутқ товушларини эшитиб идрок этиш қобилияти бўлмаса-да, уларда нутқ органлари нормал ҳолатда бўлганлиги туфайли, товушларни талаффуз этиш қобилияти сақланиб қолишини кузатганлар.

Россиялик – сурдопедагог олим Э.И.Леонгарднинг фикрича, карлар атрофдагиларнинг нутқини тўлиқ идрок эта олмайдилар, бироқ эшитиш идроки товуш талаффузини эгаллашда сезиларли кўмак бериши мумкин.

Жисмоний ёки руҳий бузилишларнинг мураккаблиги шундаки, биологик омиллар туфайли юзага келган бирламчи бузилиш, одатда, унинг натижасида келиб чиққан бир ёки бир нечта иккиламчи бузилишлар билан кўшилиб келади. Ривожланишида камчиликлар кузатилган болаларнинг ривожланиш жараёнини у ёки бу патология таъсирида бузилган ривожланишни тавсифлашда барча ҳодисаларнинг ўзаро сабабий боғлиқликда эканини эътиборга олибгина тўғри очиб бериш мумкин. Бир қатор олимларнинг (А.Л.Венгер, Д.Б.Эльконин, Л.С.Виготский ва б.) таълимотига асосланган ҳолда айтиш мумкинки, ривожланишида бузилишлари бўлган болаларнинг у ёки бу гуруҳига мансуб ҳар қандай турғун жисмоний ёки руҳий бузилиш табақавий тузилмага эга. Бу табақаланишда мактаб ёшини инсон шахсининг фақат унгагина хос тузилиш, мазмун ва ривожланиш динамикаси қарор топадиган бир давр сифатида қарашга барча асослар бор. 1-2-синфларда рус тилида таҳсил олувчи ўқувчилар билан олиб бориладиган коррекцион-педагогик иш педагогик жараённинг тизимлилиги нуқтаи назаридан, яъни ўзаро боғланган компонентлар – концептуал ҳолатлар, таълимнинг мақсади ва мазмуни, дидактик шарт-шароитлар ва воситалар, методларни олгандагина тартибга солинган мажмуи эканидан келиб чиқади.

Россиялик тадқиқотчиларнинг илмий ишларида психологик ёшни эътиборга олиш зарурлиги алоҳида таъкидланади. Бунда хронологик ёш бола

шахсининг шаклланиш ва ривожланиш жараёнлари кечадиган фон сифатида олиб қаралади. В.И.Бельтюковнинг фикрича, бу ҳолнинг сабаби шундаки, эшитиш идрокининг йўқлиги туфайли ўз-ўзига тақлид ва атроф товушларига тақлид имконияти ҳам бўлмайди, яъни аутоэхолалия ва эхолалия реакцияларининг имкони йўқ. Эшитишида камчилиги бўлган болаларнинг тарбияси ва таълимини ташкил қилишга қаратилган замонавий тадқиқотлар асосида педагогик ёрдамнинг бир бутун ва тизимли характерининг таҳлили ётади (Т.А.Власова, С.А.Зиков, Т.С.Зикова, Е.И.Кузьмичева, Н.Н.Малофеев). Махсус таълимга концептуал, тузилмавий даражаларни ўз ичига олган ҳолда тизимли ташкил қилинган жараён нуқтаи назаридан ёндашиладиган бўлса, бу махсус педагогиканинг асосий тушунчаларини замон талабларига оид мазмун билан бойитиш, унинг мақсад ва вазифаларини белгилаш таълимий дастурлар доирасидаги дидактик материални танлаш, тизимлаштириш ва тақдим этишда замонавий коммуникация технологияларидан фойдаланиш заруратини келтириб чиқаради (С.А.Зиков, Т.С.Зикова, Н.А. Шматко). Имконияти чекланган шахс ижтимоий онгининг муайян даражасига эришмай туриб, унга кўрсатиладиган ёрдамнинг самараси бўлмайди (Н.Н.Малофеев). Россия сурдопедагогикасида қарларга таълим бериш муаммоси махсус таълим тизими шаклланаётган пайтдаёқ диққат марказига қўйилган эди. Муаммонинг мураккаблиги ҳамда коррекцион таълим йўллари ишлаб чиқиш зарурлигидан келиб чиқиб, қар ва заиф эшитадиган рус тилли мактаб ўқувчиларининг клиник-психологик-педагогик хусусиятлари юзасидан илмий тадқиқотлар олиб борилди (Н.А.Назарова, Е.Г.Кузьмичева, Л.А.Головчиц, Т.С.Зикова, Т.В.Розанова, Ж.П.Жиф).

Ўзбекистонлик олимларнинг ҳам она тилида таълим олувчи мактабгача ва мактаб ёшидаги қар ва заиф эшитувчи болалар таълим-тарбиясига бағишланган илмий-тадқиқот ва методик ишлари оз эмас (Ф. Алимходжаева, У. Файзиева, Ф. Қодирова, Д. Назарова ва б.).

Республикада рус тилида таълим олаётган эшитишида муаммолари бўлган ўқувчиларнинг товуш талаффузи ва эшитиш идрокининг ривожланишига бағишланган тадқиқотлар мавжуд эмас. Бу гуруҳга мансуб болалар билан иш олиб борадиган сурдопедагоглар учун илмий-методик таъминот ҳам ишлаб чиқилмаган. Юқорида келтирилган маълумотларни ҳисобга олган ҳолда ҳамда диссертация мавзусига яқин илмий ва илмий-методик адабиётларнинг таҳлили асосида мазкур диссертация ишининг мавзуси танлаб олинди.

Диссертациянинг **“Бошланғич синфлар қар ўқувчиларининг эшитиш идроки ва талаффузининг ўзига хос жиҳатларини ўрганиш”** деб номланган иккинчи бобида кузатувчи тажриба-синовнинг мақсад, вазифа ташкиллаштириш тамойиллари ва методикаси ишлаб чиқилди. Таъкидловчи тажриба-синов мақсади рус тилли 1-2 синф қар ўқувчиларининг нутқий ва нутқий бўлмаган товушларни идрок этиш даражасини ўрганишдан иборат бўлди. Тажриба-синов ишларида Тошкент шаҳридаги 101-сон, Олмалик шаҳридаги 80-сон, Самарқанд шаҳридаги 61-сон қар болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернатлардан 105 нафар ўқувчи қатнашди. Улардан 58 нафари – 1-синф ўқувчилари, 47 нафари – 2-синф ўқувчилари эди. Ишлаб чиқилган таъкидловчи тажриба-синов ишларида Е.П. Кузьмичева ва

Е.Г. Речицкаянинг қар болаларда товушлар талаффузи кўникмалари ва эшитиш идрокининг ривожланганлигини текшириш методикасига асосланган. Бунда болаларнинг эшитиш идроки ва товуш талаффузини текшириш учун қуйидагича вазифа топширилди:

1) нутқий бўлмаган товушларни ажратиш (музыкали ўйинчоқлар, маиший шовқинлар, табиатдаги товушлар, транспорт товушлари);

2) нутқ товушларини топиш ва фарқлаш;

3) сўзлар, бўғинларда биринчи концентрни ташкил қилган товушлар а, о, у, и, э, ы, п, т, к, с, ф, ш, х, л, м, н, р ва дифтонглар йа(я), йо(ё), йэ(е), йу(ю)ни талаффуз қилиш ва товушлар дифференциацияси;

4) бўғинларни идрок этиш ва фарқлаш;

5) ибораларни идрок этиш;

6) кичикроқ матн (оғзаки нутқ) ни идрок этиш.

Товушлар, сўзлар ва иборалар муайян изчилликда тақдим этилди. Ҳар бир ибора икки мартадан такрорланди. Ҳар гал ўқувчи нимани қандай идрок этган бўлса, худди шундай такрорлайди ёки саволларга жавоб беради, топшириқларни бажаради ва ҳисоб беради. Қар болаларнинг товуш талаффузи ва эшитиш идрокининг текшируви балл тизимида аниқланди. 1-2-синф ўқувчиларининг товуш талаффузи ва эшитиш идроки даражаларини аниқлаш мезонлари ишлаб чиқилди (юқори, ўрта, паст, жуда паст). Текширув натижалари (сифат ва миқдор) статистика методлари ёрдамида таҳлил қилинди.

Ибораларнинг идрок этилиши ҳар хил сенсор усулларда текширилди: кўриш-эшитиш, кўриш ва эшитиш. Матнни идрок этиш бир қатор расмларга таянган ҳолда амалга оширилди.

Таҳлил натижаларидан шу нарса аён бўлдики, эшитиш идроки ва товуш талаффузига оид олти мезонлар асосида: (ўқувчилар томонидан нутқий бўлмаган товушларни фарқлаш); сўзларни эшитиб фарқлаш [эшитиш аппаратсиз]; сўзларни эшитиб таниш ва фарқлаш [эшитиш аппарати ёрдамида]; ибораларни идрок этиш; кичикроқ ҳажмдаги матнни идрок этиш; оғзаки нутқни идрок этиш) оғзаки нутқни идрок этишда муайян қийматга эга омиларни шакллантирилди. Ҳар бир компонентнинг коэффицентини ҳисоблаб чиқиш натижасида қийматга эга бўлган ва қийматга эга бўлмаган компонентлар характеристикаларини очиш имконияти туғилди.

1-2 - синфларда таҳсил оладиган қар ўқувчиларнинг товуш талаффузи ва эшитиш идрокини ривожлантириш методикаси тизимли ёндашувга асосланган бўлиб, бу ёндашув мазкур категорияга мансуб болаларнинг ривожланишини психологик-педагогик жиҳатдан ўрганиш, қўлга киритилган ташхис натижалари асосида индивидуал ривожланиш маршрутини лойиҳалаштиришдан иборат ҳамда ҳар томонлама комплекс ёрдам кўрсатиш имконини беради.

1-2-синфларнинг қар ўқувчиларига коррекцион-педагогик ёрдам кўрсатиш модели шундай таълимий-ривожлантирувчи маконни ифодалайдики, унда ҳар хил шаклдаги ҳамкорлик жараёнида боланинг жисмоний ҳолати мустаҳкамланади, товуш талаффузининг шаклланиши ва эшитиш идрокининг ривожланиши унумли кечади, шунингдек, коммуникация (мулоқот) чегаралари кенгаяди, когнитив соҳанинг ривожланиш имкониятлари ортади, натижада бола шахсида сифат ўзгариши кузатилади.

Маълумки, 1-2-синфларда ўқийдиган қар болаларнинг ривожланиши бир маромда кечмайди. Шунинг учун коррекцион-педагогик ёрдам мақсади ва вазифаларини белгилашда бола ривожланишининг энг яқин истиқболларидан келиб чиқиш керакки, бу олиб бориладиган иш босқичларини тўғри белгилаш, кутилаётган натижага эришишда янада мувофиқроқ усуллар ва воситаларни танлаш имконини беради.


Таълимнинг товуш талаффузига бағишланган дастлабки босқичида ва индивидуал машғулотларда нутқий нафас, товушларни чиқариш ва уларни бўғинларда, сўзларда мустаҳкамлаш, сўзни аниқ ёки тўғри талаффузга яқинлашган (белгиланган ёки йўл қўйилган товуш алмашишлари билан) қайтариш устида иш олиб борилади. Масалан, аниқ талаффуз (мама, вот, там, лопата) ёки яқинлашган, товуш алмашишлар билан (мяч – маш, собака – сопака, рыба – липа).

Иккинчи босқичда товушларни чиқариш ва автоматлаштириш, шунингдек, сўзларни идрок этиш устидаги ишлар давом этади. Бола нутқида мавжуд нуқсонлар коррекциясига катта эътибор берилади (бола нутқида ёпиқ манқаланиш, универсал жаранглаштириш, бўғиздан чиққан *p* ва *х.к.* каби қўпол нуқсонлар кузатилганда, бу иш биринчи босқичда ҳам бошлаб юборилиши мумкин). Таълимнинг иккинчи босқичида битта машғулотда товушни чақириш ва автоматлаштириш, нуқсонларни коррекциялаш, сўз устида иш олиб бориш каби иш турлари ҳар хил бирикувда биргаликда олиб борилиши мумкин (масалан, товушларни чақириш ва нуқсонни коррекциялаш ёки сўз устида ишлаш ва нуқсонни коррекциялаш ва *х.к.*). Товуш талаффузи кўникмасини мустаҳкамлаш иши, нафақат бўғинлардан иборат нутқий материал асосида, балки сўзлар материалида ҳам олиб борилиши шарт. Бунда ҳар бир индивидуал машғулотда камида 2-3 сўзнинг талаффузи устида иш олиб бориш ва бола уларни аниқ ёки яқинлашган талаффуз қилишига эришиши лозим.

1-2-синфларнинг қар ўқувчиларига коррекцион-педагогик ёрдам кўрсатиш бўйича инновацион моделнинг асосий таркибий қисмини учта динамик модуль ташкил қилади: I модуль – Просодика, II модуль – Талаффуз, III модуль – Фонематика ва эшитиш идроки ва IV блок- Лексика, грамматика ва ўқишни ўрганамиз.

Такдим этилган коррекцион иш тизимида бир бутун тузилма компонентлари (модуллар) орқали жараён қатнашчиларининг фаолияти вазифаларида белгиланган ўзгаришларни кузатиб бориш мумкин. Бундай жараёнларни махсус ташкил қилинган фронтал ва индивидуал машғулотлар таркибига киритиш учун, коррекцион-педагогик ёрдам тизимининг инновацион моделида (1а- ва 1б- расмларга қаранг) ўз аксини топган мана шундай маконда кечишига эришмоқ зарур.

1-2 синф ўқувчиларининг оғзаки нутқини шакллантириш ва эшитиш гидрокини ривожлантириш технологияси



1а-расм. Коррекцион-педагогик ёрдам тизимининг инновацион модели.
1-расм. Коррекцион-педагогик ёрдам тизимининг инновацион модели.



16-расм. Коррекцион-педагогик ёрдам тизимининг инновацион модели.

Иш жараёнида товуш талаффузига қаратилган машқларда нутқий фаолиятнинг ҳар хил қуйидагича ўзига хос ўқитиш турларидан фойдаланилди: таклид (туташган ва аксланган гапириш); ўқиш (қисмларга ажратган ҳолда ва ажратмай туриб); расмни аташ ва саволларга жавоб; мустақил нутқ (расмга қараб ҳикоя қилиш, ҳикоя тузиш).

Учинчи босқичда фонематик эшитишни ривожлантириш устида иш олиб борилди. Бу босқичга ўқувчи айрим товушларни фарқлашга тайёр бўлгандагина киришилади.

Коррекцион-таълимий ишнинг бу босқичида биз томонимиздан ишлаб чиқилган “Шартли-рефлексли ҳаракат реакцияси” методик тавсияга мувофиқ ҳар хил частотали алоҳида товушлар қўлланилди. Фарқлаш учун танлаб олинган товушларнинг тахминий кетма-кетлиги қуйидагича: паст частотали ва юқори частотали; паст частотали ва ўрта частотали; ўрта частотали ва юқори частотали; паст частотали товушлар бирга келади; юқори частотали товушлар бирга келади; ўрта частотали товушлар бирга келади. Биз ўқувчиларни, ҳар хил частотали товушларни идрок этишдан ташқари, фонетик жиҳатдан яқин товушларни – қаттиқ ва юмшоқ, жарангли ва жарангсиз, сирғалувчи ва шовқинли, аффрикатлар ва уларнинг таркибига кирадиган товушларни фарқлашни ўргатишга интилдик. Товушлар қуйидаги кетма-кетликда дифференциация қилинди: б — п, д — т, г — к, з — с, ж — ш, с — ш, з — ж, ц — с, ч — т, ч — ш. Эшитиб фарқлаши учун болага юқори частотали “с” товуши ва ўртача частотали “ш” товуши таклиф қилинди.

Мураккаб ибораларни тушуниш; матнларни идрок этиш ва тушуниш; матн мазмунини мусиқа асарларида таниб олиш (бу машқда бола мусиқа асарининг сўзларини кўриб эшитади ҳамда унинг мазмунини ҳаракатларда ёки нутқ орқали айтиб беради); бир-биридан битта ҳарфи билан фарқланадиган сўзларни (метаграммаларни) аниқлаш; нутқни идрок этишда йўл қўйилган хатоларни тўғрилаш; нутқни вербал интерференция шароитида аниқлаш; товуш яширинган ҳолларда нутқни аниқлаш ва таниш; нутқни ревербация шароитида аниқлаш; бир нечта одам гапириб турганда нутқни аниқлаш; маъноси бўйича ҳам, жаранглаши бўйича ҳам таниш бўлмаган нутқ сигналларини аниқлаш (2-даражали аниқлаш).

Коррекцион-таълимий жараёнда “Мен гапираман, ўқийман” ихтисослаштирилган технологиясидан фойдаланишда нутқий овоз чиқариш давомийлиги ва кучини, овознинг баландлиги (шиддати) ва тембри, темп-ритм тузилиши, интонациянинг ифодалилиги, нутқнинг аниқлиги ва тушунарлилиги, нутқий бўлмаган эшитиш гнозиси, нутқий эшитиш гнозиси, товуш анализи ва синтези, сўз маъноси, сўзларнинг лексик (синтагматик ва парадигматик) алоқалари, сўзнинг грамматик маъноси ҳамда болаларнинг коммуникатив кўникмаларини коррекциялаш, шакллантириш ва ривожлантиришга эришилди.

“1-2-синфларда таҳсил оладиган қар ўқувчиларнинг талаффузи ва эшитиш идрокини шакллантириш бўйича коррекцион-ривожлантирувчи ишлар самарадорлиги” деб номланган учинчи бобда қар ўқувчиларда эшитиш идроки ва нутқнинг товуш талаффузини тадқиқотда ишлаб чиқилган технология бўйича ривожлантиришга қаратилган таълимий тажриба-синов натижалари баён қилинган. Тадқиқот натижаларининг таҳлили шуни кўрсатдики, 1-2-синф қар ўқувчиларнинг индивидуал коррекцион машғулотлар пайтида товуш талаффузи ва эшитиш идроки бўйича эгаллаган ҳамда келгусида оғзаки нутқни идрок этиш учун замин вазифасини ўтайдиган

кўникмаларини мустаҳкамлаш фаол эшитув-нутқий муҳит мавжуд бўлгандагина самарали кечади. Бунга кун тартибидаги барча машғулотлар давомида индивидуал эшитув аппаратларидан мажбурий тарзда фойдаланиш ҳисобига, ўйин пайтида, сайрга чиққанда, болаларнинг мустақил фаолиятларида эришиш мумкин. Таълимий тажриба-синов Тошкент шаҳридаги 101-сон карлар учун махсус мактаб-интернат базасида олиб борилди. Тажриба-синовга 1-2-синфларда таҳсил олувчи 59 нафар ўқувчи жалб қилинди: улардан 30 нафар ўқувчи тажриба-синов гуруҳида, 29 нафар ўқувчи назорат гуруҳида таҳсил олади. Таълимий тажриба-синов 2015-2017 йиллар давомида олиб борилди.

Махсус таълим шароитида 1-2-синфлар кар ўқувчиларининг эшитиш идроки ва товуш талаффузини шакллантириш, оғзаки нутқини қайта тиклаш бўйича ўтказилган таълимий тажриба-синов натижаларининг қай даражада самарадорлигини аниқлаш мақсадида, такроран текширув ўтказилди ва унга 59 нафар ўқувчи танлаб олинди. Бунда танланган болалар (n=59) яна икки гуруҳга – назорат ва тажриба гуруҳларига бўлинди. Назорат гуруҳига 29 нафар (49%) танлаб олинди, тажриба гуруҳини 30 нафар (51%) ўқувчи ташкил қилди. Шундай қилиб, тажриба-синов ўтказилишидан олдин ҳар иккала гуруҳдаги ўқувчиларнинг эшитиш идроки, нутқий ривожланиши деярли бир хил даражада эди. Тажриба гуруҳда машғулотлар компьютер таълим технологияларидан фойдаланган ҳолда ташкил этилди. Назорат гуруҳида эса улар қўлланмади (1,2,3- жадвалларга қаранг).

Эшитиш идрокини ривожлантириш бўйича компьютер технологияси модули ўтказилганидан кейин тажриба ва назорат гуруҳлари ўқувчиларининг оғзаки нутқни идрок этиш бўйича қиёсий таҳлил натижалари (n=59)

1-жадвал.

Кар ўқувчиларда эшитиш идроки компонентларининг номи	Тажриба гуруҳи, ўқувчилар сони – 30				Назорат гуруҳи, ўқувчилар сони – 29			
	Юқори-даража	Ўрта даража-	Паст даража.	Жуда паст даража	Юқори даража	Ўрта даража	Паст даража	Жуда паст даража
Нутқий бўлмаган товушларни топиш ва фарқлаш	3 10%	18 60%	9 30%	-	-	11 39%	13 45%	5 16%
Нутқий товушларни топиш ва фарқлаш	2 7%	20 66%	8 27%	-	-	11 39%	13 45%	5 16%
Сўзларни таниш ва фарқлаш	2 8%	14 46%	7 23%	7 23%	-	10 35%	12 41%	7 24%
Ибораларни идрок этиш	2 7%	14 46%	9 30%	5 17%	-	9 30%	10 35%	10 35%
Кичикроқ матн, оғзаки нутқни идрок этиш	1 4%	14 46%	11 37%	4 13%	-	8 28%	9 31%	12 41%
Жами	10	80	44	16	-	49	57	39
Ўртача	2 8%	15 50%	10 30%	3 10%	-	10 35%	11 39%	8 26%

Товуш талаффузини шакллантириш бўйича компьютер технологияси модули ўтказилганидан кейин тажриба ва назорат гуруҳлари ўқувчиларининг товушларни талаффуз этиш бўйича қиёсий таҳлил натижалари, сонлар ва фоизларда (n=59)

2-жадвал

Кар ўқувчиларда товуш талаффузи компонентларининг номи	Тажриба гуруҳи, ўқувчилар сони – 30				Назорат гуруҳи, ўқувчилар сони - 29			
	Юқори даража	Ўрта даража	Паст даража	Жуда паст даража	Юқори даража	Ўрта даража	Паст даража	Жуда паст даража
Унли товушлар	3 10%	15 50%	8 27%	4 13%	-	10 35%	12 41%	7 24%
Портловчи сонор товушлар	2 7%	16 53%	9 30%	3 10%	-	10 35%	11 37%	8 28%
Фрикатив товушлар	3 12%	15 48%	9 30%	3 10%	-	9 30%	12 41%	8 29%
Ундош “л” товуши	2 7%	14 47%	10 33%	4 13%	-	9 30%	10 35%	10 35%
Сонор “р” товуши	2 6%	17 57%	8 27%	3 10%	-	8 29%	12 41%	9 30%
Дифтонглар	3 10%	13 43%	12 40%	2 7%	-	7 24%	11 40%	10 36%
Жами	15	90	56	19		53	68	52
Ўртача	2 7%	16 51%	9 32	3 10%	-	9 33%	11 39%	9 29%


Тажриба ва назорат гуруҳларидаги ўқувчиларнинг билимларни ўзлаштиришдаги фарқларнинг статистик қиймати.

3-жадвал


	Тажриба-синов гуруҳлари	Ўқувчилар сони	Бошланғич синф кар ўқувчилари талаффузининг шаклланганлик ва эшитиш гидрокининг ривожланганлик даражалари			
			юқори	ўрта	паст	жуда паст
Эшитиш гидрокининг ривожланиши бўйича	Тажриба	30	2 8%	15 50%	10 30%	3 10%
	Назорат	29	0%	10 35%	11 39%	8 26%
Талаффузнинг шаклланиши бўйича	Тажриба	30	2 7%	16 51%	9 32	3 10%
	Назорат	29	0%	9 29 %	11 39%	9 29%

Тажриба ва назорат гуруҳларидаги ўқувчиларнинг билимларни ўзлаштиришдаги фарқларнинг статистик қийматини баҳолаш учун Стъудент тақсимотлари ва Пирсоннинг иккиланган танлов мезони қўлланилди.

$F_x(x) = P(X < x)$ ва $F_y(y) = P(Y < y)$, бу ерда P(A) ўзи билан воқеа эҳтимоллигини ифодалайди (2-3- расмларга қаранг).



2-расм. Товуш талаффузининг шаклланиш натижаларининг диаграммаси



3-расм. Эшитиш гидрокининг ривожланиш натижаларининг диаграммаси

Стьюдент статистикаси, Стьюдент мезонининг эркинлик даражаси ва ишонч интервали кўрсаткичларини тажриба-синовдан олдин ва кейин ҳисоблаб чиқарамиз.

$$K_{окз} = \frac{(\bar{X} - \Delta_x)}{(\bar{Y} + \Delta_y)} = \frac{2,73 - 0,34}{2,06 + 0,28} = \frac{2,39}{2,34} = 1,02 > 1,$$

$$K_{осз} = (\bar{X} - \Delta_x) - (\bar{Y} - \Delta_y) = (2,73 - 0,34) - (2,06 - 0,28) = 2,39 - 1,78 = 0,61 > 0$$

формуларлар воситасида ҳисобланади.

